



Мамлакатимизда хорижий тилларни ўрганишга
бўлган эътибор ва унинг ўзига хос хусусиятлари
15 – маънавийт соати

Тиллар кафедраси катта ўқитувчиси: Акрамова З.Ш

1-масала ҳафта янгиликлари

8 – декабрь Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун



2015 йилнинг 5 декабрь куни пойтахтимиздаги “�збекистон” халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон президенти Ислон Каримов тантанали йиғилишда маъруза қилди.

Ҳаётимиз қомуси бўлмиш Конституциямизни юксак қадрлашимизнинг сабаби аввало унинг коммунистик мафкура асосига қурилган эски маъмурий-буйруқбозлик ва тақсимот усулидан, мустабид тузумдан бутунлай воз кечганимизни эълон қилиб, биз учун янги давлат ва жамият қуришнинг энг муҳим принцип ва мақсадларини, вазифа ва нормаларини белгилаб берганида, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Шунини айтиш керакки, бу йўлда бизнинг олдимизда турган асосий вазифамиз – бошлаган ислохотларни мантиқий якунига етказиш, эскича қарашлардан, ўз умрини ўтаб бўлган бошқарув усулларида бутунлай воз кечишдир.

Конституциямизда бизнинг бош мақсадимиз – фақат **ҳуқуқий демократик** давлат эмас, балки адолатли жамият қуриш экани аниқ-равшан белгилаб берилган. Бу мақсад ҳаётимизда мустаҳкам қарор топган оддий ҳақиқатдан, яъни халқимиз ҳар қандай қийинчиликка чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди, деган сўзларни яққол тушунишдан келиб чиққан, десам, ўйлайманки, бутун эл-юртимизнинг фикрини ифода этган бўламан. Дея юрт бошимиз юртимиз қисқа вақт ичида эришган ютуқлари, келажакда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида фикр билдириб кириб келаётган 2016 йилни юртимизда **Соғлом она ва бола йили** деб эълон қилдилар.

Жиззахда йилига 2,5 млн жуфт пайпоқ маҳсулотлари тайёрлайдиган янги корхона ишга туширилди

2015 йилнинг 5 декабрь куни Жиззах шаҳрида пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “JIZZAX GRAND TEXTILE” МЧЖ корхонасининг очилиши маросими бўлди. Бу ҳақда Жиззах вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати хабар бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллиги арафасида Жиззах шаҳрида ишга туширилган янги саноат корхонасининг очилиш маросимида вилоят ҳокимлиги, кенг жамоатчилик вакиллари, фахрийлар, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари тўпландилар.

Йиллик қуввати 2,5 млн жуфт пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятига эга “ЖИЗЗАХ ГРАНД ТЕКСТИЛ” МЧЖни ишга тушириш учун корхона раҳбарияти 400 минг АҚШ доллари миқдоридаги ўз маблағи ва “Асакабанк” томонидан ажратилган 868 550 АҚШ доллари миқдоридаги кредитдан фойдаланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2013 йилда Жиззах вилоятига ташрифи чоғида барча соҳалар қатори енгил саноатни ривожлантириш, ўзимизда етиштирилган пахта хом ашёсини қайта ишлашни ташкил этишнинг мустаҳкам асослари борлиги юзасидан қимматли маслаҳатларини берган эди. Ушбу тавсиялар асосида Жиззах вилояти саноат салоҳиятини ошириш бўйича 2013 – 2016 йилларга мўлжалланган манзилли дастур ишлаб чиқилди.

Унга кўра 2016 йилга қадар умумий қиймати 1,4 триллион сўмлик 802 та, шу жумладан, енгил саноат соҳасида қиймати 503 млрд сўмлик 231 та лойиҳаларни амалга ошириш тадбирлари белгиланган. Бугунги кунгача мазкур Дастур доирасида қиймати 515 млрд. сўмлик 444 та лойиҳалар амалга оширилди. Мазкур лойиҳаларнинг 107 таси енгил саноат корхоналаридир.

ТАТУда дастурлаш бўйича жаҳон чемпионати ярим финал мусобақалари бўлиб ўтди

2015 йилнинг 5-6 декабрь кунлари Тошкент ахборот технологиялари университетида Шимолий-Шарқий Европа гуруҳида дастурлаш бўйича жаҳон чемпионати ярим финал босқичи мусобақалари бўлиб ўтди. Бунда Ўзбекистондан 26та жамоа, Қозоғистондан 24та жамоа ва Қирғизистондан 2та жамоа финал йўлланмасини қўлга киритиш учун курашди.

Мусобақанинг якуний натижаларига кўра, Тошкент ахборот технологиялари университетининг 1-жамоаси “Tahskent U of IT 1” (Бозорбоев О., Тошканов А., Самадов С.) 7та масала ишлаган ҳолда биринчи ўринни эгаллади. Қозоғистоннинг Kazakh-British TU 1 ва Kazakh-British TU 4 жамоалари 7 ва 6 та масала ишлаган ҳолда иккинчи ва учунчи ўринларни эгаллашди.

Мусобақа бир вақтнинг ўзида Санкт-Петербург, Барнаул ва Тбилиси шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди. Маълумот учун, мусобақа регламентига кўра жамоаларга 5 соат мобайнида турли хил 12та масала берилади ва жамоалар масалаларни белгиланган дастурлаш тиллари ёрдамида энг кам вақт сарфлаб ечишлари лозим бўлар эди. Шимолий-Шарқий Европа гуруҳида энг яхши натижаларни кўлга киритган жамоалардан финал босқичига танлаб олинади ва тез орада эълон қилинади. Финалга битта олий таълим муассасасидан фақатгина бир жамоа қатнашиши мумкин. Эслатиб ўтиш жоизки, дастурлаш бўйича жаҳон чемпионати финалига йўлланмани Ўзбекистон жамоаларидан фақатгина Москва давлат университетининг Тошкент филиали 1- жамоаси 2013 йилда кўлга киритган.





Ўзбекистонда 2016 йилда 992,7 мингта янги иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ Тўртинчи ялпи йиғилишида 2016 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури кўриб чиқилди ва маъқулланди. Умуман дастурга кўра 2016 йилда 992,7 минг кишини иш билан таъминлаш кўзда тутилган, улардан 511,5 минг нафарини таълим муассасалари битирувчилари ташкил қилади. Аниқроқ айтиладиган бўлса:

- 397 минг иш ўрни янги корхоналарни яратиш дастурини амалга ошириш ҳамда мавжуд корхоналарни қайта жиҳозлаш ва янги маҳсулот ишлаб чиқариш учун модернизациялаш Ҳисобига;
- 338 минг иш ўрни кичик корхона, микрофирма ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш Ҳисобига;
- 143 минг иш ўрни касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш Ҳисобига;
- 114 минг иш ўрни фермер хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтириш Ҳисобига яратилади.

- ▶ **ТИЛ — инсон ҳаётини маъно ва мазмунга буркайдиган, уларни ҳам руҳан, ҳам жисмонан бир-бирига боғлаб турадиган қудратли кучдир. У туфайли тараққиёт, янгиланиш ва муносабат бор. Тил — муомала, сўзлашув ва алоқа воситаси бўлибгина қолмай, миллат қиёфасини белгиловчи бебаҳо неъматдир. Шундай экан, халқни халқ, миллатни миллат даражасига кўтарадиган восита унинг она тили ҳисобланади.**
- ▶ Президентимиз таъкидлаганидек, “она тилини билмайдиган одам ўзининг шажарасини, ўзининг илдизини билмайдиган, келажаги йўқ одам”дир. Шундай экан, биз ўз тилимиз, унинг бойлиги ва софлиги учун ҳамиша курашиб борсак — ўзимиздан яхши ном ва яхши хотира қолдиришга бурчли эканлигимизни унутмаган бўламиз.

- ▶ Ўзбек халқи, унинг зиёлилари кўп замонлардан бери ўз она тили билан бир қаторда бошқа тилларни ҳам ўрганишга алоҳида аҳамият қаратиб келган. Жумладан, Навоий, Бобур, Нодирабегим, Фурқат, Муқимий ва Завқий каби алломаларимиз икки тилда ижод қилишган. Ижтимоий ҳаётда кўп тил билиш миллатлар ўртасида дўстлик, тотувлик ва ўзаро ҳурмат ришталарини қарор топтиришга хизмат қилади. Юртбошимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг қабул қилиниши ҳам бежиз эмас, албатта. Чунки инсоннинг тил билиши яхши фазилат, сўзлашиш маданиятини билиши эса катта бойликдир. Лекин буларнинг барчасига ўз она тилини мукамал билиш орқали эришилади.

► Юртбошимизнинг “Юксак маънавият - енгилмас куч” асари жамиятдаги маънавий-маърифий муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш, зарур хулосалар чиқариш ва унга қарши курашишда асосий воситалардан биридир. Асарда ёзилганидек: “Агарки мендан, ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса, мен авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аجدодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур деб жавоб берган бўлардим. Ишончим комилки, ана шундай ноёб инсоний фазилатларга, юксак маънавиятга эга бўлган халқ ҳеч кимга, ҳеч қачон қарам бўлмайди, ўзининг эзгу мақсадларига албатта етади”.

Ва ушбу асарда эътироф этилганидек, маънавият, она тили, адабиёт, давлат тили ва миллий ёзув бўйича билдирилган фикрларни ўрганиш асосида миллий тарбиямиз учун тегишли хулосалар чиқариш ҳамда таълим жараёнида улардан оқилона фойдалана олиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

- ▶ Инсонни безайдиган, уни ёруғ оламда мушарраф этадиган асосий неъматлардан бири - маънавий бойликдир. Айни пайтда бу маданий бойлик ҳам ҳисобланади. Ўзини англаган ҳар бир инсон ўз ҳаётида мана шу икки нарсани эъзозламоғи, авайлаши ва ўзидан кейинги авлодларга етказишга интилмоғи лозим. Агарда ушбу жараёнда узлуксизлик таъминланмаса, ворисийлик давом этмаса маънавий илдизларимизга зарар етади.
- ▶ Маънавий мерос ва маданий бойлик, дарҳақиқат, кенг қамровли тушунчалардир. Бинобарин, “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида маънавий ва моддий бойликлар, уларнинг маъно-мазмунни тўғрисида батафсил тушунчалар берилади, жамият тараққиётига ғов бўладиган одатларимиз ҳақида ҳам, келажак учун хизмат қиладиган омиллар тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилади: “Масалан, эзгу одатимизга айланиб кетган *мехр-оқибат* тушунчасини оладиган бўлсак, унинг жуда теран тарихий, миллий, диний илдизлари борлигини кўриш мумкин. Бу, аввало, инсоннинг инсон билан, қўшнининг қўшни билан, қариндошнинг қариндош, оиланинг оила билан, энг муҳими, шахснинг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, етим-есир, бева-бечора ва ногиронларга, мусофирларга саховат кўрсатиш, сидқидилдан беғараз ёрдам беришни англатади ва бундай хусусият халқимизнинг маънавий оламига сингиб кетганини ҳеч ким инкор эта олмайди”

► Юртбошимиз маънавиятнинг тарихий илдизлари ҳақида гапирар экан, она тили ва миллий адабиётнинг беқиёс ўрнини, ижтимоий ривожланишдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. Биргина Алишер Навоий ижодий мероси тимсолида халқимизнинг нақадар улуғлиги, теран илдизларга эга эканлиги намоён бўлади. “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида таъкидланганидек: “Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир... Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз”.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарордаги кўзланган асосий мақсад замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан, ўсиб келаётган ёш авлодга чет тилларини ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизimini тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари, дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратишдан иборат.

МУСТАҚАЛЛИКНИНГ ИЛК КУНЛАРИДАН БОШЛАБ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА БИР ҚАНЧА ИСЛОҲАТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ. “ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ВА “КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ” ДА ЎЗ АКЦИНИ ТОПГАН ҲАР ТОМОНЛАМА СОҒЛОМ ВА БАРҚАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШГА АСОС БЎЛГАН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ ИЗЧИЛЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРИБ КЕЛИНМОҚДА.



ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАР ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ҚАТНАШАЁТГАН ҲАР БИР
ЎҚУВЧИНИНГ ФАОЛЛИГИГА, ЭРКИН ВА МУСТАҚИЛ ФИКР ЮРИТИШГА
АСОСЛАНАДИ. ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАР ҚЎЛЛАНИЛГАНДА ЎҚУВЧИЛАР,
ЎҚИТУВЧИЛАР ЁРДАМИДА ВА ҲАМКОРЛИГИДА МУСТАҚИЛ ИШЛАШ
КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИГА ЭГА БЎЛАДИЛАР.



Интерфаол бу ўзаро ҳаракат қилмоқ ёки ким биландир суҳбат, мулоқат тартибида бўлишни англатади. Бошқача сўз билан айтганда, ўқитишнинг интерфаол услубиётлари билиш ва коммуникатив фаолиятини ташкил этиш



Дарсни қизиқарли ва самарали бўлишини таъминлайдиган услублардан мисол келтирамиз:

- гуруҳ талабалариниг билим даражаси ва ўзлаштириш қобилияти индивидуал ўрганиб чиқилади ва шу асосда уларга топшириқлар берилади;
- талабаларни дарс жараёнига тўлиқ жалб этилиши жорий этилади ва гуруҳдаги бирорта талаба назардан четта қолмайди;
- дарсда асосан асосий чет тилида суҳбатлашилади, тушунмаган сўзларни ҳам дарров таржимаси эмас, балки бошқа синонимлари ёки имо ишора билан тушунтирига ҳаракат қилинади;



- кичик гуруҳларга бўлиниб, мулоҳаза шаклида ишлаш, фикр билдириш, ўзаро тушунтириш усуллари қўлланилади;
- талабаларнинг эркин фикр юритишлари учун имконият яратилади ва йўл қўйилган хатоликлар бирдан тўхтатиб эмас, балки талаба фикрини билдиргандан сўнг биргаликда таҳлил қилинади ва мисоллар билан мустаҳкамланади;
- турли грамматик, лексик, тематик ва бошқа ўйинлар ташкил этилади. Бунда талабанинг билимига қараб роллар бўлиб берилади;
- турли ранг-баранг расмларни хикоя қилиб бериш, қисқа фильмларни, видеороликларни, аудиоматериалларни тинглаб томоша қилиш ва биргаликда муҳокама қилиш, мавзуга мос янгиликларни тинглаш ва тушунишга ҳаракат қилиш.

Тошкент Тиббиёт Академияси “Тиллар” кафедрасида ҳам юқорида келтирилган қонунга мувофиқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан 2014-2015 ўқув йилида академия профессор ўқитувчиларини кафедрамиз ходимлари уч йўналишда яъни beginner, elementary, pre-intermediate босқичлари бўйича ўқитишни амалга оширдилар.



Эътиборингиз учун
Рахмат.